Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 25 (480)
2006 йил
27 июнь
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ, 67-МОДДА

ҲАЁТБАХШ СЎЗ ҚУДРАТИ

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Журналистнинг нони қаттиқ, дейдилар. Бугун унинг касб байрами. Айтиш жоизки, истиқлол шарофати билан ҳар бир касб ва унинг фидойилари қадр топиб келмоқда. Барчамизга илк ҳарфни ўргатган муаллим ҳам, тиббиёт ходимлари ҳам, Ватан ҳимоячилари ҳам ташкил этилган кунларини касб байрами сифатида кенг нишонлайдилар. Худди шунингдек, кўнгилларга маърифат улашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган журналистлар ҳам бугун ўз касб байрамини нишонлашмоқда. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, бошқа кўплаб соҳаларда бўлгани каби, оммавий ахборот воситалари тизимида жуда катта ислоҳотлар амалга оширилди. Бундан атиги ўн-ўн беш йил муқаддам материалларни компьютерда териб, газетани компьютерда саҳифалашни тасаввур этиб бўлармиди? Қўрғошинда қўйилган ҳарфларни бигиз билан саҳифага жойлаб қўювчи ишчи машаққатлари бугун ўтмишга айланди. Ўша кезлар республикада ҳисобли расмий газета-журналлар чоп этилган. Нодавлат нашрлар, соҳа газеталари, нодавлат теле ва радиоканаллар барча-барчаси қўлидан келганча халқимизга хизмат қилмоқда. Бугун уларнинг сони мингга яқин.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб айтганларидек, **"...Кейинги пайтда матбуотимизда сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, Ўзбекистон журналистларининг ўз профессионал маҳоратини намойиш этиш, Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурурини, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида билим ва тажрибаси, фаоллиги ортиб бормоқда"**.

Ҳақиқатан ҳам истиқлол йилларида янгича онг, янгича тафаккур, янгича дунёқараш шаклланишида, дунёга Ватан ва миллат манфаати нуқтаи назаридан қарашда журналистларнинг муносиб хизмати бор. Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онг-шуурига етиб боришида, давлатимиз раҳбари илгари сураётган эзгу таълимотларнинг юраклардан жой олишида бу соҳа фидойилари муносиб улуш қўшиб келмоқда.

Президентимизнинг амалий ғамхўрлиги биз, журналистларга доимо қанот бўлмоқда. "Энг улуғ, энг азиз", "Йилнинг энг фаол журналисти" каби бир қатор танловлар, ҳар йили ўнлаб ҳамкасбларимизнинг

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари умуминсоний эзгу ғояларнинг эркин минбари бўлишга интилар экан, ҳақиқат ва холислик журналистиканинг доимий, ўзгармас қоидасига айланиши шарт.

Ислом КАРИМОВ

Ватаннинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши фикримизнинг далилидир.

Албатта, бизга яратиб берилаётган имкониятлар шунга яраша жиддий масъулият юклайди. Сўз мўътабардир. Эзгу сўз, эзгу фикрни кўнгилларга уруғдек сепиш биз журналистларнинг вазифамиздир.

Мана шу соҳа фидойиларини касб байрами билан қутлаган ҳолда, уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдик.

1. XXI аср ахборот асри деб ном олмоқда. Бу — бежиз эмас, албатта. Чунки бугунги глобаллашув жараёнида ахборот ҳал этувчи аҳамият касб этмоқда. Табиийки, бундай вазиятда оммавий ахборот воситалари ва журналистлар зиммасига жиддий вазифалар юклатилади. Ҳар бир мамлакат ёки миллатнинг фидойи журналистлари ўз халқи, миллатининг манфаатидан келиб чиқиб, қалам тебратади. Бир сўз билан айтганда, халқининг миллий манфаатларини ҳмоя қилади. Бугун биз, журналистлар шундай жараённи бошимиздан кечирмоқдамиз. Айтинг-чи, бу борада ўзбек журналистларининг фидойилиги ва ўз касбига садоқати сизни қониқтирадими?

2. Соҳамизнинг азалий талабларидан бири — бу журналистларнинг муайян йўналишга ихтисослашувидир. Мамлакатимизда бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бироқ бу масала ҳали тугал ечимини топгани йўқ. Айтинг-чи, журналистларимизнинг ихтисослашуви бўйича яна қандай имкониятлар бор?

3. Бугун мамлакатимизда журналистларнинг манфаатлари ва холис ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини ҳимоя қилувчи бир қатор қонунлар қабул қилинди. Ҳамкасбларимизнинг эркин ижод қилишлари учун қонуний кафолат тизими яратилди. Сизнинг фикрингизча, журналистлар ўз ҳуқуқларини қай даражада билишади? Шунингдек, улар жамият олдидаги бурчларини қай даражада адо этишмоқда?

4. Маълумки, журналистика моҳиятан фидойилик ва жасурликни талаб этадиган касб. Журналист ана шу икки хислатни ўзида мужассамлаштира олиши зарур. Лекин журналистларимизда жасорат етишмаслиги ёхуд мавзуни очиб беришда сусткашлик қилиши ҳақида турли гап-сўзлар баъзан қулоғимизга чалиниб қолади. Сизнингча, бу фикрлар нечоғлик ҳақиқатга яқин?



Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ,
Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ ЎЙҒУНЛИГИ

Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш...

Назаримда, мустақиллик йилларида юртдошларимиз англаб етган катта ҳикматлардан бири шу, десак, янглишмаган бўламиз. Жамиятнинг барча соҳаларида эркинлаштириш жараёнлари изчил давом этаётгани мисолида фикримизнинг ёрқин далилини кўриш мумкин. Ваҳоланки, яқин ўн беш-йигирма йиллар муқаддам гўё истиқлолга эришилса бас, ҳеч бир қийинчиликларсиз ҳаётимизни демократлаштириб юборамиз, деган ҳаёлда юрганлар кам эмасди. Мана, энди кўриняптики, демократияга эришиш бир кунлик ё бир йиллик юмуш эмас, балки серқатлам, сермашаққат ва ғоятда нозик жараён экан.

Жамиятни эркинлаштириш ҳақида сўз очилса, албатта, оммавий ахборот воситалари тилга олинади. Бу бежиз эмас. Зеро, оммавий ахборот воситалари жамиятнинг демократлашув жараёнини кўрсатувчи бирламчи кўзгу, ўзига хос мураккаб жараён. Ҳар қандай жараённинг эса ҳаракатлантирувчи ўз ўзани, ўз оқими, йўналиши бўлади.

Ушбу мулоҳазалар билан мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги арафасида миллий журналистикамизда демократик матбуот мақомига етишиш борасида қандай қадамлар қўйилди, деган саволга жавоб излаб кўрайлик.

Жамиятни демократлаштириш, матбуот сўзини эркинлаштириш орқали "тўртинчи ҳокимият" институтини шакллантиришда ҳуқуқнинг, ҳуқуқий билимнинг аҳамияти нақадар улкан эканлиги ҳақида кўп ёзилади. Дарҳақиқат, демократия ҳуқуқдан бошланади, ҳуқуққа асосланмаган демократия эса омонат бўлади.

Шу маънода, оммавий ахборот воситалари соҳасимиз амалдаги баъзи қонунлар кўнгилдагидек ишламаётганидан нолиб қолишади. Бу сингари шикоятларда жон бор, албатта. Аммо шу ўринда масаланинг яна бир нозик жиҳатига кўпда эътибор қаратилавермайди.

Саволга савол билан жавоб берадиган бўлсак, хўш, қонун ижроси қаердан бошланади? Ахир, касбимизга тааллуқли қонунлар, аввало, БИЗНИНГ қонунларимиз эмасми?! Уларни тарғиб этадиганлар ҳам, фаолиятимизда изчил татбиқ этадиганлар ҳам ҳамкасбларимизнинг ўзлари эмасми?!

(Давоми учинчи бетда)

ФИДОЙИЛИК ТАЛАБ ЭТАДИ

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири

Журналистика осонликча забт этиладиган касб эмас. Биз танлаган касб, бошқа соҳалар қатори, жасорат ва фидойиликни талаб этади. Ҳазрат Навоий қалам боқади, аммо бой қилмайди, деганлар. Бу соҳага мўмай даромад илинжида кираётганлар янглишадилар. Чинакам журналист ўз манфаати, ўз ҳаловатини унутади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Афсуски, кейинги йилларда газетачилик баъзилар учун мўмай даромад манбаига ҳам айланиб қолди. Тушунган бўлсангиз, мен айрим тижорат нашрларини кўзда тутаяпман. Лекин уларни ошкора айбламоқчи эмасман. Чунки дунёда шундай тажриба бор – не-не тадбиркорлар оммавий ахборот воситалари таъсис этиб, шундан катта фойда оладилар. Менинг ташвишим шуки, бундай енгил, бозорбоп нашрларда ишлаётган ёш ҳамкасбларимиз "журналистика" деганлари шу экан-да, дорилфунунда ўқимасанг ҳам, инжиқ домлаларга имтиҳон топширмасанг ҳам бўлаверар экан-ку", деган хулосага келиб қолишлари мумкин. Бу ёшларнинг ёзиш маҳорати шу даражада қолиб кетса, эртага жиддий, профессионал нашрларга ўтиб ишлашлари қийин бўлади.

Ихтисослашув масаласида тугал бир фикр йўқ. Жумладан, менинг ўзимда ҳам. Бунинг бирламчи боиси шуки, инсоннинг ижодий тафаккури билан боғлиқ жараёнлар ўзгарувчан бўлади, уни аввалдан бир қолипга солиш мумкин эмас.

Журналист у ёки бу соҳага ихтисослашмай, бугун маданий ютуқлар хусусида, эртага саноатимиз тўғрисида ёзса, ундан кейин эса тарих ва археология борасидаги янги топилмаларни шарҳлаб кетса, ишончим комилки, ёзганлари маълум маънода умумий бўлиб қолади. Нега десангиз, бу соҳаларнинг ҳар бири ҳар қандай ижодкордан, у нечоғли истеъдод эгаси бўлмасин, чуқур билим ва малака талаб этади.

(Давоми учинчи бетда)

Ogohlik zarurati

Бундан бир неча кун муқаддам «Евроньюс» телеканали бир шов-шувли хабарга оид лавҳани такрор-такрор намойиш этди. Унда БМТ Бош котибининг ўринбосари АҚШ маъмурияти ўз манфаатларини деб демократия тамойилларини қурбон қилаётгани, ҳатто бу борада халқаро ташкилотларга тазйиқ ўтказаётгани ҳақида баёнот берган. Бундан таажжубланган АҚШнинг БМТдаги вакили бу нуфузли халқаро ташкилот раҳбариятидан изоҳ талаб қилган. БМТ Бош котиби Кофи Анан ҳам «ўринбосарининг ҳақ» эканини таъкидлаган. Бу эса «ҳақиқий демократия» даъвогарларини мулзам қилгани шубҳасиз.

ДЕМОКРАТИЯ НИҚОБМИ ЁКИ ОНГЛИ ЭРКИНЛИК?

Бироқ даъвогарлар отдан тушса ҳам эгардан тушмоқчи эмас, шекилли. Акс ҳолда, «бу демократик, бу эса нодемократик», деб давлатларни гуруҳларга, сиёсий кучларни даражаларга, одамларни навларга ажратишга ҳакамлик қилишмаган бўларди. Бу жараёнда улар бош мезонни ўз манфаатларидан келиб чиқиб белгилашмоқда. Аниқроқ айтганда, ҳамма нарсани ўз андозалари — ўйлаб топган сунъий стандартлари билан ўлчашмоқда. Қайси давлатдаги тузум ва кимнинг турмуш тарзи, ахлоқ-одоб қоидалари, эркинликка муносабати, сиёсатда тутган йўли ана шу стандартларга тўғри келмаса, ўша давлат ва ўша раҳбар демократиядан йироқ. Бундайларга ҳар қандай ҳақоратомуз тамғаларни босиш мумкин.

Уларнинг бош ғояси шу. Улар ўзгаларнинг ғоясини, эркинлигини тан олмайди. Бундай эркинлик бошқаларнинг турмуш тарзини камситиши, маънавияти ва қадриятлари устидан кулиши, ҳатто диний эътиқодини таҳқирлаши мумкин. Бу ғоя туфайли аёл билан аёл, эркак билан эркак никоҳдан ўтмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Ироқда назоратчи аёл зўравонлик билан ўз юртининг қамоқхонасига ташланган бир эркакни қип ялангоч ҳолатда бўйнидан боғлаб етаклаб кўнгилхушлик қилишига инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари бўлган «асл» демократлар нега томошабин бўлиб туришди? Бир гуруҳ қипяланғоч эркакларни бир-бирининг устига қалаб ваҳшиёна ҳақоратлаш қайси демократия талабларига тўғри келади? Афсуски, бу каби саволларга ҳеч қандай жавоб йўқ. Кейинги пайтларда жаҳон оммавий ахборот воситаларида фақатгина Гуантанамодаги эмас, балки Европадаги яширин қамоқхоналардаги мавжуд вазият борасида жиддий ташвишлар билдирилмоқда.

Очиғини айтганда, демократиянинг ғарбча моделидан ниқоб ўрнида фойдаланаётганларнинг бугунги кундаги хатти-ҳаракатларидан ҳайрон бўлаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Уларнинг орасида кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, таниқли зиёлилар ва сиёсатчилар бор. Жумладан, машҳур ёзувчи Александр Солженицин бир пайтлар демократиянинг хорижда ишлаб чиқилган моделини зўр бериб тарғиб қилган эди. Кейинчалик у бироз вақт АҚШда ана шу ўзи орзу қилган шароитда яшаб кўрди ва ҳафсаласи пир бўлди. У Россияга қайтганидан сўнг хорижий демократия моделига қуйидагича баҳо беради: **«Демократия ҳеч бир мукаммал қонун, ҳеч бир доно сиёсатчи томонидан тўқилган ўрнатилиши мумкин эмас... Демократия қопқоқ сингари ўрнатилмаслиги лозим. Демократия кўкка қараб ўсадиган барча ўсимликлар каби фақат пастдан юқорига қараб ўсиб бориши мумкин. Демократияни қурол билан олиб келиб ўрнатиб бўлмайди».**

Ваҳоланки, ҳозир деярли ҳар куни Ироқда демократия ўрнатилаётгани ҳақидаги сафсаталарни эшитяпмиз. Бундан ташқари, ана шу демократия баҳонасида бир неча мустақил мамлакатларда «рангли инқилоб»лар амалга оширилди. Уларни 1917 йилдаги октябр тўнтаришига қиёслаш мумкин. Ўринли савол туғилади: бир хил стандартдаги демократия модели — ўзгаларга ёт турмуш тарзи билан коммунизм вабоси ўртасида нима фарқ бор? Ахир, ҳар бир халқнинг ўз менталитети, миллий ва маънавий қадриятлари, мақсад ва интилишларини мутлақо эътиборга олмай ишлаб чиқилган стандартлар ҳамма учун ягона демократия тамойили бўла оладими?! Бу саволга ҳам жавоб йўқ. Аксинча, «Ўз хоҳишинг билан бизнинг демократиямизни — турмуш тарзимизни танла, бўлмаса, мажбур қиламиз!» деган дағдаға жаҳон узра ўз ҳукмини ўтказишга уринмоқда.

Ўтган йили «Аргументы и факты» газетасида машҳур рус актёри Юрий Соломин шундай фикр билдирди: **«Мен «Демократия!» «Эркинлик!» деган сўзларни тез-тез эшитиб тураман. Тўғри, демократия — бу эркинлик. Лекин гапириш эркинлиги асло хулқатвор эркинлиги эмас. Биз бу нарсани бутунлай чалкаштириб юбордик»**.

Ҳақиқатан ҳам, эркинлик эрксиз нарса эмас. У онг билан бошқарилади. Кўнгил тусаганини қилиш тубанликдир. Эркинликни ҳеч қачон бурч ва масъулиятдан устун қўймаслик керак. «Демократия» тарафдорлари илгари сураётган эркинлик ғояси шу даражада хавфлики, «фикрни эркин ифодалаш» ниқоби остида давлатлар, халқлар ва ғояларни, ҳатто динларни бир-бирига душман қилиб қўйиш мумкин. Бугунги халқаро ҳаётда бунга мисоллар жуда кўп. Ўтган йили ғарб матбуотида пайғамбаримиз шаънига ножўя чиқишлар содир этилди. Бундан нафақат ер юзидаги мусулмонлар, балки бошқа динга эътиқод қилувчилар ҳам нафратланди. Жумладан, рус православ черкови вакиллари бундай диёнатсизликка дунё мусулмонлари тарафида туриб холисона муносабат билдирди. **«Бизнинг фикримизча,** — деди Москва патриархатининг жамият ва черковлар алоқаси бўйича бўлими котиби Михаил Дудко, — **инсоннинг диний туйғусини, у православ, мусулмон ёки бошқа дин вакили бўлишидан қатъи назар, ҳақоратлашга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу жиҳатдан олганда, биз хафа қилганлар эмас, балки хафа қилинганлар билан тўлиқ бирдаммиз»**.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз Ислом Каримов "Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа — бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат", дея таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам, парламент назоратининг сифати ва самарадорлигини оширмай туриб, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш мураккаб масала ҳисобланади. Шу боис бугунги кунда парламент назоратини такомиллаштириш, унинг назарий ва амалий муаммоларини аниқлаш ҳамда уларнинг оқилона ечими юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ

МУҲИМ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТ

Парламент назоратининг аҳамияти шундаки, у қабул қилинган қонунларнинг самарадорлик даражасини таҳлил этиш, қонун ҳужжатларининг амалиётда қўлланишига салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни аниқлаш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларига зарур қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахсларнинг қонунларга сўзсиз амал қилиш маъсулиятини ошириш, қоларверса, фуқаролар онгида қонунга ҳурмат руҳини шакллантириш имкониятларини беради.

Шу билан бир қаторда, парламент назорати давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги "бир-бирини тийиб туриш ва мувозанат сақлаш" тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Бу борада Юртбошимиз Ислом Каримов **"Депутатларимиз ўз сайловчилари ва эл-юрт олдидаги бурчини муносиб равишда бажариш учун аввало ўзларини халқ ноиблари сифатида ҳис этган ҳолда, мамлакатимиздаги барча ислоҳот ва янгиланиш жараёнларини ўз назоратига олиб, давлат ижро ҳокимияти вазифасида ўтирганларнинг қонун чегарасидан чиқмаслигини қаттиқ кузатиб турса, ўйлайманки, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг талабига муносиб жавоб берадиган иш бўлади"**, деб алоҳида таъкидлаган эди.

Ҳуқуқий адабиётларда парламент назоратининг парламент сўрови, парламент тинглови, дебатлар (мунозаралар), парламент тергови, интерпелляция, ҳукуматга ишончсизлик билдириш каби турлича шакллари ҳақида сўз юритилган. Парламент назорати, унинг шакллари ва ҳуқуқий табиати давлатнинг бошқарув шаклига бевосита боғлиқдир. Хусусан, парламент бошқарув шаклига асосланган мамлакатларда кенг қўлланиладиган назорат шакллари президентлик бошқарув шаклига асосланган республикаларда қўлланилмаслиги мумкин ва аксинча. Масалан, интерпелляция, яъни муҳим ижтимоий аҳамиятга молик масалани парламент муҳокамасига қўйиш ва у бўйича ҳукумат аъзолари тушунтиришларини эшитиш шаклидаги парламент назорати, қоида тариқасида, фақат парламентлик республикаларида қўлланилади. Шу сабабли мамлакатимизда парламент назорати ва унинг шакллари ҳақида фикр юритишда давлат бошқарув усули президентлик бошқарув шаклига асосланганини инобатга олиш лозим.

Парламент назоратининг жаҳон парламентаризми амалиётида кенг тарқалган шакли – бу парламент сўровидир. Назоратнинг ушбу шакли ҳам президентлик, ҳам парламентлик республикаларида бирдек қўлланилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Jahon tajribasi

СУД БУЙРУҒИ ИНСТИТУТИ

Россия қонунчилигида муҳим аҳамият эга

Россия фуқаролик-процессуал қонунчилигида суд буйруғи, деб аталган процессуал ҳуқуқ институти амал қилади.

Суд буйруғининг берилиши Россия Федерацияси Фуқаролик-процессуал Кодексининг 125-2-моддасида қуйидагича тартибга солинган:

- агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланса;
- агар талаб ёзма тасдиқланган битимга асосланса;
- талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланса;
- агар оталикни белгилаш билан боғлиқ бўлмаган вояга етмаган болаларга алимент ундириш ҳақида талаб қўйилса;
- фуқаролардан солиқлар ва давлат мажбурий суғуртаси тўловлари бўйича бюджетдаларни ундириш тўғрисида талаб қўйилса;
- агар ишчига ҳисобланган, бироқ тўланмаган иш ҳақини ундириш ҳақида талаб қўйилган бўлса.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Россия Федерацияси Фуқаролик-процессуал Кодексининг 125-1-моддасининг 1-қисмида суд буйруғига берилган таърифдан келиб чиқиб, суд буйруғи қарздордан муайян пул маблағларини ундириш талаби билан бирга, кўчар мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги талаби бўйича ҳам берилиши қайд этилган. Аммо баъзи рус процессуал ҳуқуқи олимлари суд буйруғининг қарздордан кўчмас мол-мулкни қайтариб олиш ҳақидаги талаби бўйича берилмаслиги ҳақида хулосага келишган.

Бундан ташқари, суд буйруғи беришни рад этишни тартибга солувчи Россия Федерацияси Фуқаролик-процессуал Кодексининг 125-8-моддасида рад этиш ҳақидаги ажримнинг чиқарилиши муддатлари, суд буйруғини қабул қилгач, судья учун суд буйруғи иш юритувини кўзғатиш ҳақидаги ажримни чиқариш муддатлари белгиланмаган. Бироқ рус процессуал ҳуқуқи фани намояндалари, хусусан, Н. Масленникова қонунда суд буйруғи иш юритувини кўзғатиш ҳақидаги ажримни чиқариш муддатларининг белгиланмаганлиги судьяга мазкур ажримни суд буйруғи бериш ҳақидаги аризани қабул қилган пайтдан бошлаб чиқариш мажбуриятини юклашини қайд этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Россия қонунчилигида суд буйруғи институти ўзига хос жиҳатлари билан муҳим аҳамият касб этади ва амалиётда кенг қўлланилади.

Фарҳод МУСТАФОЕВ,
ТДЮИ магистри

ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ КАФОЛАТИ

Хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг суд орқали қўлланиши уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда муҳим босқич бўлди. Айни пайтда, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тасдиқланганда суд орқали молиявий жарималар қўлланилмоқда, шунингдек, асоссиз молиявий жарималарга тортишнинг олди олинмоқда.

Жумладан, Самарқанд вилояти хўжалик суди томонидан мазкур турдаги низолар қонун талаблари доирасида ҳал қилинмоқда. Масалан, Пастдарғом тумани Давлат солиқ инспекциясининг хусусий тадбиркор Абдумажид Бердиёровга 940.000 сўм молиявий жарима қўллаш ҳақидаги аризаси суднинг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилди. Тадбиркорнинг суд қароридан норози бўлиб берган апелляция ва кассация тартибидаги шикоятлари рад этилиб, биринчи босқич судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилди.



Ҳужжатлардан аён бўлишича, Пастдарғом тумани солиқ инспекциясининг 2005 йил 3 декабрдаги буйруғига асосан, хусусий тадбиркор А.Бердиёровга тегишли турғун савдо дўконида назорат касса машинасидан фойдаланиш ва савдо қоидаларига риоя этилиш юзасидан текшириш ўтказилган. 2005 йил 4 декабрда тузилган далолатномада текшириш жараёнида сотувчи харидорга хизмат кўрсатиб, 600 сўмга харид чеки ёки унга тенглаштирилган патта бермагани аниқланган. Далолатнома солиқ инспекцияси инспекторлари, холислар ва хусусий тадбиркор А.Бердиёров томонидан имзоланган. Бироқ солиқ идораси ходимлари текширишларни қайд этиш дафтарига тегишли ёзувни киритишмаган. Қолаверса, дафтар тақдим этилмагани ҳам далолатномада қайд қилинмаган. Далолатноманинг нусхаси хусусий тадбиркорга қолдирилганини тасдиқловчи далил ҳам йўқ.

Хусусий тадбиркорга 2003 йил 2 апрелда Пастдарғом тумани ҳокими томонидан давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома берилган бўлишига қарамай, у касса назорат машинаси ўрнатмай фаолият олиб боргани аниқланди. Бу ҳол эса, туман солиқ инспекцияси ходимлари томонидан эътиборсиз қолдирилган. Ваҳоланки, бу вақт мобайнида тадбиркор солиқ идорасига ҳисоботлар топширган, патент тўловларини амалга оширган.

Суд хусусий тадбиркорга нисбатан молиявий жарима қўллаш ҳақида қарор қабул қилди. Шу билан бирга, мазкур иш юзасидан Пастдарғом тумани солиқ инспекциясига кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, келгусида уларни такрорламасликни қайд этиб, Хўжалик-процессуал кодексининг 152-моддасига асосан хусусий ажрим юборди.

Хўжалик суди амалиётида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан асоссиз равишда молиявий жарима қўллаш ҳақида ариза билан мурожаат этилаётган ҳолларни ҳам учрайди. Чунончи, Жомбой тумани солиқ инспекцияси Самарқанд вилояти хўжалик судига ариза билан мурожаат этиб, «Пахтабанк»нинг Жомбой бўлимига нисбатан 19.035.500 сўм миқдорида молиявий санкция — 0,5 фоиз миқдордаги устама қўллашни сўраган. Ишга доир ҳужжатларидан кўринишича, 2004 йил 31 декабрда Самарқанд вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан Жомбой «Пахтабанк»нинг Жомбой бўлимида, Адлия вазирлигида 615-сонли рақам билан рўйхатга олинган **«Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»**ги йўриқнома талабларига риоя қилиниши юзасидан режадан ташқари текшириш ўтказилган. Унда тўртта хўжалик юритувчи субъектларнинг банк айланмаларига доир маълумотлар ўрганилиб, уларнинг давлат бюджети олдида солиқ ва мажбурий тўловлардан қарзи борлиги, солиқ инспекцияси томонидан инкассо талабномалари қўйилгани, банк томонидан инкасса топшириқномалари бўйича тўлов амалга оширилмагани аниқланган. Банкка 7.926.800 сўм миқдорида устама қўлланилган. Банкнинг мансабдор шахсларига нисбатан эса Жиноят кодексининг 205-моддаси, 2-қисми «а» ва «в» бандлари билан жиноят иши қўзғатилган.

2005 йил 30 декабрдаги текшириш далолатномасида 9 ҳолатда 615-сонли Йўриқнома талаблари бузилганлиги, жумладан, 2004 йил 31 декабрда тузилган далолатномада кўрсатилган 2507-сонли автожамланма ва Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжаликлари бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ ва мажбурий тўловлар тўлиқ бюджет келиб тушмагани аниқланган. Тўловлар кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 фоиз ҳисобидан 19.035.500 сўм миқдорида устама ҳисобланган.

Суд мажлисида 2507-сонли автожамлама ва Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалигида йўл қўйилган хато ва камчиликлар 2004 йил 31 декабрдаги текшириш чоғида аниқланган, бу ҳолатлар бўйича банкка нисбатан жавобгарлик белгиланган, тўловларни амалга оширишнинг белгиланган тартиби бузилгани учун 7.926.800 сўм устама ҳисобланган.

Суд солиқ идорасининг мазкур ташкилотларга нисбатан 18.779.700 сўм устама қўллаш ҳақидаги талабини қисман рад этиб, талабнинг қолган 255.800 сўм устама ҳисоблаш ҳақидаги қисмини қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилган.

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Тадбиркорларга, бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қўйиладиган талаб битта: улар ўз фаолиятини фақат қонуний тартибда амалга оширишлари, солиқ ва фуқаролик қонун талабларига қатъий амал қилишлари лозим.

Гулнора АБДУКАРИМОВА,
Самарқанд вилоят хўжалик суди судьяси

Qonun ko`magi

Shartnoma qonunchiligi

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар аксарият ҳолларда шартнома ва битимлар билан тартибга солинади. Шартномавий муносабатлар томонлар зиммасига бурч ва вазифалардан ташқари турли шаклдаги мажбуриятларни ҳам юклайди.

Улар шартномавий муносабатларнинг асосини ташкил этади.

МАЖБУРИЯТ ИЖРОСИ

у ишни олға силжитади

Шартномада белгиланган мажбуриятлар уни имзолаганлар томонидан тўлиқ ва охиригача бажарилиши лозим. Акс ҳолда низо ва келишмовчиликлар юзага келади.

Ана шундай низоларнинг олдини олиш мақсадида қонунчиликда мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 259-моддасида мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, жавобгарнинг молмулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар воситасида таъминланиши қайд этилган.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг самарали усулларидан бири гаров ҳисобланади. Жавобгар зиммасидаги мажбуриятини ўз ихтиёри билан бажармаган ёки ундан бош тортган ҳолларда қарзни ундириш гаровга олинган мулкка қаратилади. Ана шундай чора яқинда «Диёр» фирмасига нисбатан қўлланилди. «Миллий Банк»нинг Урганч бўлимидан 5 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағини олган фирма мутасаддилари устама тўлаш шарти билан олинган маблағни банкка қайтариш тугул ҳатто унинг ойлик фоизларини ҳам тўлашни унутиб қўйишди. Натижада қарз ҳар икки томон ўртасида тузилган кредит шартномаси ва **«Гаров тўғрисида»**ги қонунга мувофиқ жавобгарнинг гаровдаги мол-мулки ҳисобидан ундиришга тўғри келди.

Суд қарз берувчининг шу ҳақдаги талаби ва тақдим этилган ҳужжатларга асосланиб, қайтарилмаган маблағни қарздорнинг гаровга қўйилган иморати эвазига қоплаш мумкин, деган хулосага келди.

Шартномавий муносабатларда мажбурият бажарилишини таъминлашнинг кафолати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мажбуриятнинг бажарилишини қонун доирасида таъминлаш ва кафолатлаш асосида манфаатдор тарафларнинг ҳуқуқлари ҳам ҳимоя қилинади. Бунда, аввало, қарздор онггида олган мажбуриятини бажаришига нисбатан рағбат ҳисси уйғонади. Айни пайтда қарздорликни тезда бартараф этиш имкони туғилади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ кафиллик мажбуриятини зиммага олган тарафга ҳам, қарздор ёки жавобгар тарафнинг зиммасига ҳам мажбуриятга тенг бўлган масъулият юкланади. Яъни қарзни ундириш учун қарздор билан биргаликда кафил томон ҳам бирдек масъул бўлади ва бу ҳол мажбуриятнинг бажарилиши таъминланадиган вазиятларда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг моҳияти шуки, қарздор ёки жавобгар шартномавий мажбуриятини белгиланган муддатда бажармаса ёки уни адо этиш тартибини бошқача йўллар билан бузса, кредитор ёки даъвогарнинг етказилган зиёнларни ундиришга бўлган ҳуқуқи вужудга келади ва шу аснода мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилади.

Шартнома интизоми бузилган ёки бузилиши хавфи вужудга келган ҳолларда зиммадаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган таъсир чоралари қўлланилиши назарда тутилади. Башарти шартномада мажбуриятни бажариш муддати белгиланмаган бўлса, ушбу қарзни қайтариш муҳлати уни бажариш таклиф қилинган муддатгача узайтирилиши мумкин. Қуйидаги мисол бунинг амалий исботидир. «Дон» очиқ акциядорлик жамияти билан А. исмли тадбиркор ўртасида тузилган шартноманинг 2.2-бандида «Сотиб олувчи ҳақини олдиндан 100 фоиз тўлайди», деган қоида мавжуд. Ушбу қоидага мувофиқ тайёрловчи «сотиб олувчи»га қандолат маҳсулотлари етказиб берган. Бироқ харидор томон олинган маҳсулот учун пул тўламаган. Бунда шартноманинг 2.2-банди харидор томонидан эмас, балки маҳсулотни етказиб берувчи томонидан бузилган. Гап шундаки, етказиб берувчи «маҳсулот унинг ҳақи 100 фоиз олдиндан тўлагандан сўнг берилади», деган қоидага амал қилмаган. Аниқроқ айтганда, тадбиркор насияга маҳсулот етказиб берган. Ушбу ҳолатдан сўнг тўлов муддати бўйича низо келиб чиққан.

Афсуски, қонуннинг ушбу талабига шартномавий муносабатларнинг ҳамма қатнашчилари ҳам бирдек риоя этавермайди. Агар томонлар шартнома шартларига тўлиқ риоя этишса, ҳеч қандай баҳс ёки низоли ҳолатларга ўрин қолмасди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда бозор муносабатлари тобора чуқурлашаётган бугунги кунда шартномавий мажбуриятларни бажариш муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, мажбуриятни ўз вақтида бажариш муваффақият гаровидир.

Дониёр РАҲИМОВ,
юридик фанлари номзоди

ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ

МУҲИМ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТ

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Парламент сўрови – парламент ва унинг аъзолари (депутат, сенатор) томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан йўлланган мурожаат бўлиб ҳисобланади.

Парламент сўровидан кўзланган асосий мақсад — давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида Конституция ва қонунларнинг устуворлигини, уларнинг амалда самарали татбиқ этилишини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахсларининг фаолият самарадорлиги ва масъулиятини ошириш, ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан уларнинг асослантирилган тушунтиришлари ёки нуқтаи назарини олишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, парламент сўровининг асосий вазифалари қаторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- сўровда баён этилган масалаларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши даражасини ўрганиш;
- сўровга берилган жавобни таҳлил ва муҳокама қилиш;
- сўровда баён этилган масалалар бўйича мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш;
- ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириш бўйича хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Конституция ва қонунлар қоида-талабларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахслари томонидан ҳаётга тадбиқ этиш ҳолатини ўрганиш ва баҳо бериш;
- сўровга берилган жавоб муҳокамаси якунлари бўйича парламент палатасининг қарорини қабул қилиш;
- муҳокама натижалари бўйича қабул қилинган қарорнинг ўз вақтида ва аниқ ижроси устидан назорат ўрнатиш.

Мамлакатимизда парламент сўровини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"**ги конституциявий қонунларда, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"**ги қонунларда, Олий Мажлис палаталарининг Регламентларида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва депутати, Олий Мажлис Сенати ва аъзоси давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви идораларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли. Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг мансабдор шахслари Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат мажлисларида беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарлари номига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Парламент палаталарининг Регламентларида парламент сўровини амалга ошириш тартиби белгилиб қўйилган. Хусусан, Қонунчилик палатаси Регламентининг 212-моддасига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг мансабдор шахслари парламент сўровига уни олган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай жавоб беради. Парламент сўровлари бўйича ахборот тегишлича Қонунчилик палатаси ва Сенат мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Муҳокама якунлари бўйича қарор қабул қилинади.

Парламент сўровини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилига асосланиб, қуйидагиларни мазкур сўров ҳуқуқи субъектлари қаторига киритиш жоиз:

- Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси;
- Олий Мажлиснинг Сенати;
- Қонунчилик палатасининг депутати;
- Сенат аъзоси;

Шу ўринда парламент палаталарининг қўмиталари, қўйи палатадаги партия фракциялари ва депутатлар гуруҳлари парламент сўрови субъекти бўла оладими, деган савол туғилиши табиий. Бу борадаги қонун меъёрлари мазмунидан келиб чиқиб, қўмиталар, партия фракциялари ва депутатлар гуруҳлари парламент сўрови субъекти бўла олмаслигини қайд этиш лозим. Бироқ Қонунчилик палатаси Регламентининг 58-моддасида партия фракциялари ва депутатлар гуруҳи Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этиши мумкинлиги белгиланган. Яъни, партия фракциялари ва депутатлар гуруҳлари парламент сўрови ҳуқуқидан муайян маънода фақат Қонунчилик палатаси мажлисларидагина фойдалана олади.

Парламент палаталарининг Регламентларига кўра, қўмиталар давлат идоралари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, эксперт хулосалари, статистика ва бошқа маълумотларни талаб қилиб, мурожаат йўллашлари мумкин. Аммо ушбу мурожаатлар парламент сўрови эмас. Чунки парламент сўровида, албатта, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахсларига улар ваколатига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби ифодаланиши лозим. Шу боис қўмиталар парламент сўрови субъекти бўлиб ҳисобланмайди.

Мамлакатимизда қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ваколатларига кирадиган масалалар **парламент сўровининг объектлари** бўлиб ҳисобланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият органи назорат фаолияти шакли сифатида парламент сўрови муайян устувор қоидалар ва принципларга таянган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бундай **принциплар** жумласига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- қонунийлик, яъни парламент сўровини йўллаётган субъектлар ўз фаолиятларида Конституция, конституциявий қонунлар ва қонунларга қатъий амал қилишлари лозим;
- мустақиллик, яъни парламент сўрови субъектлари ушбу ҳуқуқни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлардан мустақил тарзда амалга оширишлари керак;
- парламент сўрови ҳуқуқидан фойдаланишда давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципига риоя қилиш лозим;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ҳисобга олиш, яъни парламент сўровини йўллашдан аввал ҳамда унга жавоб олинганида бу борадаги жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда ҳисобга олиш зарур;
- парламент сўровини амалга оширишда ошкоралик, яъни парламент сўрови ҳақидаги ахборот жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари учун очиқ бўлиши даркор.

Конституциямиз, конституциявий қонунлар ва қонунларга асосан мамлакатимизда **парламент сўрови қуйидаги асосий йўналишларда** амалга оширилиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари ижроси масалалари юзасидан парламент сўрови;
- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши масалалари бўйича парламент сўрови;
- мудофаа ва хавфсизлик масалалари юзасидан парламент сўрови;
- Давлат бюджети ва унинг ижроси масалалари бўйича парламент сўрови;
- ташқи сиёсат масалалари юзасидан парламент сўрови;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ваколатига кирадиган бошқа масалалар юзасидан парламент сўрови ва ҳоказо.

Парламент сўровини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва илмий асослари таҳлилидан келиб чиқиб, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан қўйидаги фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар хусусида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, амалдаги қонун ҳужжатларида парламент палатасининг ҳамда депутат (сенатор) сўровининг амалга оширилиши тартибига аниқлик киритиш жоиз. Чунки қонунчиликда белгиланган ҳозирги қоидага кўра, депутат (сенатор) йўллаган парламент сўровига жавоб тегишинча палаталар мажлисларида берилиши керак. Бундан келиб чиқиб, мантиқан олиб қараганда депутат (сенатор) парламент сўровини йўллашдан аввал палата билан келишиши зарур бўлади. Бироқ ушбу ҳолатда депутатнинг (сенатор) парламент сўрови унинг эмас, балки бутун палатанинг парламент сўровига айланиб қолади. Шу боис хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олиб, депутат (сенатор) йўллаган парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахслари парламент палаталари мажлисларида эмас, балки депутатнинг (сенаторнинг) талабига биноан унга ёзма равишда йўллаш орқали ҳам амалга оширилишини жорий қилиш ҳақида ўйлаб кўриш лозим.

Qonun ijodkorligi

Иккинчидан, парламент палаталарининг Регламентларида парламент сўровига ўн кунлик муддатда жавоб йўллашнинг имкони бўлмаган тақдирда ушбу муддатни узайтириш тартиби, парламент сўровига жавоб беришнинг имкони бўлмаган тақдирда жавоб йўллаш масаласи қандай ҳал қилиниши, парламент сўровига жавоб бериш қандай ҳолларда рад этилиши (масалан, айни бир масала бўйича бошқа бир депутатга (сенаторга) тушунтириш берилган бўлса ва ҳ.к.) мумкинлигига оид қоидаларни ҳам мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ;

Учинчидан, парламент палаталарининг Регламентларида парламент сўрови йўллаган депутатнинг (сенаторнинг) сўров кўриб чиқилиши билан боғлиқ жараёнларда (мажлислар, ўрганишлар ва ҳ.к.) бевосита иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш лозим;

Тўртинчидан, Олий Мажлис Сенати Регламенти ва Сенат фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларида парламент сўровига жавоб бериш муддати белгиланмаган. Шу сабабли ушбу камчиликни бартараф этиш жоиз;

Бешинчидан, парламент сўровига йўлланган жавоб тегишли палата мажлисида муҳокама қилинганда муҳокама якунлари бўйича қандай қарорлар қабул қилиниши мумкинлигини парламент палаталарининг Регламентларида белгилаш мақсадга мувофиқ. Мисол учун, парламент сўровига йўлланган жавобни қониқарли деб топиш ва уни қабул қилиш тўғрисида; жавобни қониқарли эмас, деб топиш ва зарур бўлганда мансабдор шахсни истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритиш ҳақида («Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига биноан) ва ҳ.к.;

Олтинчидан, парламент сўровига қонунда белгиланган муддатларда жавоб берилмаган тақдирда давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини белгилаш мақсадга мувофиқ;

Еттинчидан, парламент сўровини йўллаш ва унга жавоб бериш тартиб-таомиллари бўйича парламент палаталарининг услубий тавсияларини ишлаб чиқиш лозим. Бунда тегишли ҳужжатларнинг намуналарини ҳам ишлаб чиқилса, айни муддао бўлади;

Саккизинчидан, парламент сўрови амалга оширилиши билан боғлиқ барча материалларнинг парламент палаталари нашрларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилиши амалиётини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга;

Тўққизинчидан, парламент сўровини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш Маркази, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази ва бошқа ташкилотлар билан илмий-амалий ҳамкорлик қилиш фойдадан холи бўлмайди;

Ўнинчидан, парламент сўрови институтининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан давра суҳбатлари, илмий-амалий семинарлар ўтказишни жадаллаштириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, парламент назоратининг муҳим шакли бўлган — парламент сўровидан кенг ва самарали фойдаланиш ижтимоий ҳаётда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини ошириш билан бир қаторда, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш мақсад ҳамда вазифаларининг самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари,
юридик фанлари доктори,
Раҳимжон ҲАКИМОВ,
институт етакчи илмий ходими

Muloqot

БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНЛИК НАФАҚАСИ

— Яқинда эллик беш ёшга тўлдим. Уч нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим 30 йил ўқитувчи бўлиб ишлаган. Бир йил илгари касаллик туфайли вафот этди. Айтинг-чи, турмуш ўртоғим вафот этганини инобатга олган ҳолда менга бирор-бир ёрдам кўрсатиладими?

Нурбуви ҚУДРАТОВА,
Пайшанба шаҳарчаси

— Аввало шуни айтиш керакки, сизга турмуш ўртоғингиз вафот этгани сабабли, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 19,20,21-моддаларига мувофиқ боқувчисини йўқотганлик нафақаси тўланади. Жумладан, 19-моддага мувофиқ, вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандларга ва ушбу модданинг «в» бандида кўрсатиб ўтилган шахсларга пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганлигидан қатъи назар, тайинланади.

Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қуйидагилар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланадилар:

а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 16 ёшга тўлмаган бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар-нинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса;

б) ота, она, ўгай ота, ўгай она, хотин, эр, башарти улар 7-моддада назарда тутилган пенсия ёшига тўлган ёки ногиронлар бўлсалар;

в) ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд буви, бува, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набиралари, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан бўлса ва ишламаса;

г) бува ва буви, агар қонунга мувофиқ уларни боқиш шарт бўлган кишилар бўлмаса;

- Ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Боқувчисининг йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганида ҳам бу ҳуқуқни сақлаб қолади.

Ўгай ўғил ва ўгай қиз, агар улар ота-оналаридан алимент олмаган бўлса, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш ҳуқуқига эгадир.

Ўгай ота ва ўгай она, агар вафот этган ўгай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунча қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлса, ҳақиқий ота-она сингари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

20-моддада таъкидланишича эса, мана шу юқорида кўрсатиб ўтилган оила аъзолари, агар улар марҳумнинг тўлиқ боқувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлса, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, марҳумнинг қарамоғида турган деб ҳисобланади.

Марҳумнинг бирон турдаги пенсия олаётган оила аъзолари, агар марҳумнинг ёрдами улар учун доимий асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, боқувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтиш ҳуқуқига эгадир.

ҲАЁТБАХШ СЎЗ ҚУДРАТИ

Ҳамкасбларимиз орасида фидойи ва ўз касбига садоқатли журналистлар кўпчиликни ташкил этади. Лекин ҳаммани ялписига баҳолаш тўғри эмас, албатта. Назаримда, бугунги кунда матбуот сўзининг масъулияти, жамоатчиликка таъсири борасида кўп меҳнат, изланиш талаб қилинади. Афсуски, ҳамон сўзбозлик касалидан халос бўлолмаяпмиз. Эзма одам суҳбатдоши томонидан қабул қилинмагани каби пуч, таъсир даражаси паст мақолаларни ҳам газетхон «ҳазм қилолмайди». Мени бир ҳолат қаттиқ ўйлантиради: газеталарни мунтазам ўқиб борадиган муштарийлар давраси тобора камайиб боряпти. Бунда гап зинҳор обуна нархининг ошганлигига боғлиқ эмас. Биз газетхонни қизиқтиролмаяпмиз, қаяжонга сололмаяпмиз. Камчилигимизни билдикми, уни тузатиш пайида бўлайлик.

Шуҳрат ЖАББОРОВ, «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррир ўринбосари

Бугунги журналист фақат муайян соҳага ихтисослашиши керак, деган фикрга қўшилмайман. Айтайлик, тиббиётда умумий амалиёт врачи деган ихтисослик зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти. Худди шунингдек, журналистикада ҳам санъат ҳақида эркин ёзадиган ижодкор иқтисодий мавзуга келганда қийналса, қандай бўлади? Албатта, айрим ҳолларда баъзи журналистлар ўз ҳаётини бағишлаган мавзулар бўлади. Буни ихтисослашув эмас, балки шахсий қизиқиш, деб ҳисоблаш керак. Модомики матбуот ҳаёт кўзгуси экан, унда ишлайдиган журналист ижоди ҳам ўшанга монанд рангбаранглик касб этиши лозим.

Амалдаги қонунлар ҳаммамизнинг дастуримизга айланганми? Бу саволга ижобий жавоб қилолмайман. Қачон бирор муаммога ечим излагандагина қонунга мурожаат қиламиз. Бошқа пайтда ҳуқуқий ҳужжатлар бизга қандай ваколат беришини ўйлаб ўтирмаймиз. Бурч ҳақидаги тушунчаларимиз ҳам умумий. Биз тайёрлаётган газета муштарийни қизиқтирмаса, кимдир бунга жавоб берадими? Шу ҳақда ўйласак яхши бўларди.

Фидойилик ва жасурлик бошқа-бошқа хислатлар эмас. Сизнинг бу мезонларга қанчалик жавоб беришингизни, менимча, жамоатчилик баҳолаши керак. Президентимиз бир чиқишларида **«Журналистлар орасида ҳам «Жасорат» медали соҳиблари бўлса, ҳар қандай зўравондан интервью олганда журналист кўксидаги жанговар медал уни ҳушёр торттирган бўларди»**, деганди. Хўш, ўшандай жасоратли, дадил журналистлар бизда қанча? Ёниқ сўз билан халқ қалбига аланга сола оляпмизми? Барибир мени қониқмаслик туйғуси ўйлантиради.

Ҳар сафар касб байрамимизда «Хўш, мен зиммамдаги вазифани қанчалик уддалай олаяпман?» — деган саволни ўзимга бераман. Модомики, шу айём муносабати билан жамият эътибори оммавий ахборот воситаларига қаратилар экан, биз шу ҳақда жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Ҳамкасбларимга ижодий муваффақиятлар тилаб қоламан.

УЙҒОҚ СЎЗГА ЭҲТИЁЖ

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Бу бор гап. Энди, тасаввур қилайликки, журналист аниқ бир соҳага, масалан, қишлоқ хўжалигига ихтисослашса, шу мавзуда бир-икки йил қалам тебратганидан кейин ўзини ўзи такрорлай бошлайди. Кейинроқ бориб, ёзганлари ўзига ҳам зерикарли туюлиб кетади. Демакки, ихтисослашишнинг ҳам ўзига яраша мураккабликлари бор.

Нима қилиш керак? Менинг назаримда, журналист бир неча ёндош соҳаларга доир билимларни мукаммал эгаллагани маъқул.

Масалан, адабиёт, санъат, тарих, маънавият, таълим-тарбия масалалари бир йўналиш, ижтимоий ҳаёт, сиёсат, қонунчилик, фан-техника тараққиёти бошқа бир йўналиш бўлиши мумкин.

Чунки улар бири-бирини тўлдиради, бири иккинчисига боғлиқ бўлади. Журналист мана шу йўналишлар доирасида қалам тебратса, ҳарқалай ёмон бўлмайди.

Албатта, бу энди менинг шахсий фикрларим, бошқа бир мутахассис масалани бошқача кўйиши ҳам мумкин.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ қонунчилик юзага келди ва у босқичма-босқич такомиллашиб бормоқда. Бугунги матбуот, эҳтимол, бироз сусткашлик биландир, аммо жамоатчилик фикрини ифодаловчи минбарга айланиб бораётганини ўзимиз кўриб турибмиз.

Ҳуқуқлардан фойдаланиш масаласига келганда, бу борада ҳануз муаммолар бор. Бирор жойга бориб, маълум бир маълумотларни сўрашдан аввал шу корхона фаолиятини чуқур ўрганиш, меҳнат жамоаси фаолиятига доир муаммолар нимада эканлигини билиш зарур бўлади. Шундай қилмасак, ноқулай аҳволга тушиб қолишимиз мумкин. Битта мисол айтаман. Ёш мухбир йигит завод ларимиздан бирига бориб, бош муҳандисдан бу йилги режалар қандай бажарилаётганини сўрабди. Бош муҳандис кўрадики, мухбир бола ҳали анча ғўр, саноатдан узоқ. "Биз дастлабки олти ой ичида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқардик", деб жавоб қайтарибди. Мухбир шунга ишониб келаверган. Аслида бу завод ўтган йили ҳам, бу йилнинг биринчи ярмида ҳам белгиланган режани уддаламаган.

Менинг назаримда, ёзадиган одам биров айтмаса ҳам, муҳаррир топшириқ бермаса ҳам ёзаверади. Энг муҳими, нимани ёзиш керак, қандай ёзиш кераклигини яхши билади. Бундай ижодкорлар учун, бордию кун бўйи бирорта ҳам сатр қоғозга тушмаса, ўша кун беҳуда ўтган ҳисобланади. Ҳамкасбларимизга бир кунни эмас, бирор соатни ҳам беҳуда ўтказмасликларини тилаб қоламан.

ФИДОЙИЛИК ТАЛАБ ЭТАДИ

МИЛЛАТ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ

Фарида МАҲКАМОВА, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири

Миллий манфаат — кенг қамровли тушунча. Тарихни англаш, бугунги кун билан ғурурланиш, эртанги кунга ишонч — миллат манфаати шуларга таянади.

ХХ аср бошларида миллатимизни тараққиёт йўлига олиб чиқиш учун зиёлилар, чунончи, маърифатпарварлар маърифатни бош омил санаган бўлса, ўтган бир асрлик вақт дунё қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди: бугун ахборот ядро қуролидан ҳам кучлироқ, қудратлироқ эканини, миллат тақдирига рахна солиб турган мафкуравий хуружлар айнан оммавий ахборот воситалари орқали жамиятни таназзулга етаклаши мумкинлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Ўз-ўзидан савол туғилади, хўш, журналистларимиз миллат манфаатини қай даражада ҳимоя қила оляпти?

Глобаллашув илм-фан ютуқлари билан бир қаторда муайян бир давлат ёки муайян бир гуруҳнинг, ҳатто муайян бир шахснинг "демократия" ниқоби остидаги, умуминсонийликнинг ҳеч бир мезонига тўғри келмайдиган иллатларга кўникмаси чегара, миллат танламай қулоч ёйишига имкон беряпти. Шундай шароитда журналист зиммасидаги масъулият, мажбурият ортиб бораверишига тайин. Кимларнингдир манфаатига хизмат қиладиган ана шу кўникмалар, қарашлар, қарични каттароқ олсак, мафкураларга қарши жамиятда ахборот бўшлиғи пайдо бўлиб қолмаслиги учун курашиш журналистнинг мақсади ва вазифасига айланди.

Бугун ахборот бозорида рақобатни енгиб, иқтисодий бақувватлашиш учун аудитория ичига шиддат билан кириб бораётган газеталарнинг айримларини ўрганиб, кузатиб, таассуфим ошади. Маиший мавзулардаги, олди-қочди билан тўлиб-тошган, бўш қолган саҳифаларини эса интернетдан олинган маълумот ва уйдирмалар билан тўлдирган нашрлар ўқувчиларга қандай маънавий озуқа бериши мумкин?

Эҳтимол, фикрларимни ёшликка хос баландпарвозлик деб баҳолагувчи ҳамкасблар ҳам топилар. Жамиятда ахборот бўшлиғи ҳосил бўлса, ана шу бўшлиқни тўлдириш илинжида четда пайт пойлаб турган ахборот хуружлари ҳаракатга келади. Бу эса журналистман, деб кўксимизни баланд тутишга эмас, одамларимизнинг бизга ҳадик, ишончсизлик билан боқишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаганимга кўп бўлгани йўқ. Шундан келиб чиқиб, айтмоқчиманки, журналистларимиз, айниқса, ёш журналист кадрлар олий ўқув юртидаги таҳсил жараёнида эмас, балки амалиётдагина ихтисослашаяпти. Ихтисослашув эса радио ёки тележурналист, ё бўлмаса, матбуотчи шаклида намоён бўлмоқда. Ваҳоланки, шиддат билан янгиланаётган давр журналистдан маълум бир соҳани мукаммал билишни ва шу соҳага дахлдор янгиликларни оммага тушунарли ва тезкор етказишни талаб қилмоқда.

Журналистларимизнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш-билмаслигини кўпинча бир ҳолат нуқтаи назари билан баҳолаймиз. Журналист текширувини ўтказиш ва бунинг натижасини нашр ёки эфирга бериш, материалда келтирилган фактларни исботлай олишни ҳуқуқий саводхонликнинг намунаси, деб биламиз. Лекин журналистларимиз орасида (бунда кўпроқ тенгдошларимни — ёш журналистларни назарда тутяпман) оммавий ахборот воситалари қонунчилигидан бехабарлар бармоқ билан санарли эмас.

Журналистларимизнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ўқув курсларини ташкиллаштириш, айниқса, маҳаллий журналистларни тобора такомиллашиб бораётган ОАВ қонунчилигидан бохабар қилиб боришни замон тақозо этяпти.

Журналистнинг фидойилиги жарроҳлик столи устида ётган беморнинг ҳаётини сақлаб қолишга масъул шифокорнинг фидойилигидан, юзлаб қорақўзларнинг тақдири ишониб топширилган ўқитувчининг фидойилигидан кам эмас. Аслида фидойилик ва жасорат барча соҳа кишиларидан талаб қилинадиган хислат.

Журналистнинг жасурлиги ва фидойилиги оммага ҳаққоний ва аниқ ахборот етказиши билан ўлчанади.

Қалами ўткир устоз журналистларимиз кўп. Уларнинг ҳалоллигига, заҳматкашлигига ҳавас қиламиз. Халқнинг ишончидан, назаридан қолмайлик.



(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Бундай савияга кўтарилиш учун, табиийки, ҳуқуқий маданият даражаси юксалмоғи зарур. Ҳуқуқий маданиятнинг юксалиш суръати эса, гоҳ суст, гоҳида жадал кечади.

Бугун барча саъй-ҳаракатларимиз миллий журналистикамиз соҳасида ҳуқуқ устуворлигига эришишга қаратилган бир пайтда ушбу жараённинг алоҳида бир жабҳаси, таъбир жоиз бўлса, навбатдаги катта босқичи ҳақида ҳам қайғурмоғимиз, бош қотирмоғимиз зарурга ўхшаяпти.

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ ЎЙҒУНЛИГИ

Маълумки, ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши жамиятни тараққиётнинг навбатдаги босқичи бўлмиш фуқаролик жамиятининг барпо этилишига олиб келади. Фуқаролик жамияти ҳуқуқий жамият қадриятларидан ўсиб чиқади, ҳуқуқий жамиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида воқелик тусини олади.

Албатта, соҳамизда ўз-ўзини бошқариш тизимини яратишнинг барча жиҳатларини бир мақолада қамраб олиш қийин. Лекин масаланинг туб ўзаги журналист шахсига бориб тақалади. Журналист жамиятда амал қилаётган қонун талабларига сўзсиз бўйсунади, шу билан бирга, энди ундан ўзининг шахсини, камолини, маданиятини, касб салоҳиятини намоён этиш талаб қилинади. Мазкур талаблар журналистшунослик илмида касб одоби, деб аталади.

Касб одоби талаблари, мезонлари журналистларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқилади, юзага келтирилади. Агар ҳуқуқий жамиятда соҳа ва соҳа соҳиблари қонунлар воситасида бошқарилса, фуқаролик жамиятида бу вазифа касб одоби талаблари (дейлик, касб кодекси) зиммасига юкланади. Шунинг учун ҳам, фуқаролик жамиятида журналист жамиятнинг ғоятда обрўли, нуфузли шахсига айлана боради.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, агар ҳуқуқий жамиятда қонун мажбурийлик воситаси бўлса, фуқаролик жамиятида касб одоби талаблари касбий бурчни, касбий одобни англанган ҳолда адо этиш воситасига айланади. Зиммадаги бурчни мажбурият зўғумида бажариш билан уни тўлиқ англанган ҳолда касбий дастуриламалга айлантириш орасида катта фарқ бор. Қолаверса, қонун мамлакатнинг олий органи томонидан яратилса, касб одоби шартлари соҳа эгаларининг, яъни журналистларнинг ўзлари томонидан қабул қилинади. Журналист ҳар қадамда жамоат ташкилотлари, уюшмалари шафеълигида ва ўзи иштирокида ишлаб чиқилган одоб-ахлоқ меъёрларини унутмайди, уларга риоя этишни инсоний ва касбий бурчи даражасига кўтаради. Сўнгги йилларда бевосита Президентимиз ташаббуси билан фаолият бошлаган Ўзбекистон Журналистларининг ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди бу борада муайян ишларга киришди ҳам. Чунончи, яқинда ташкил топган фонд томонидан ишлаб чиқилган касб одоби кодекси матбуотда эълон қилинди. Бу биз сўз юритаётган мавзудаги дастлабки хайрли уринишдир. Уни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш эса бурчимиздир.

Миллий матбуот ва оммавий ахборот воситалари соҳасида юксак мавқега етишишнинг "ҳуқуқ — демократия" йўналиши қанчалик муҳим бўлса, назаримизда, ушбу йўналишни "ахлоқ — ҳуқуқ — демократия" тизими асосига қуриш бугуннинг ва яқин келажакнинг вазифаси саналади. Зеро, ҳуқуқ ва бурч ўртасида ўзимиз истаётган даражадаги уйғунликни қарор топтириш учун, Пифагор айтмоқчи, **энг аввало, эзгу ахлоққа эга бўлишга ҳаракат қилмоқ даркор. Чунки ахлоқ қонуннинг асосидир.**

Ogohlik zarurati

ДЕМОКРАТИЯ НИҚОБМИ ЁКИ ОНГЛИ ЭРКИНЛИК?

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Ироқда деярли ҳар куни ўнлаб, баъзи кунлари қирқ-эллик талаб тинч аҳоли — қариялар, оналар, болалар «адашиб» ёки «гумон қилиниб» ўққа тутилмоқда, портлатилмоқда, бошқа йўллар билан гумдон қилинмоқда. Ҳатто бир неча тўй ва бошқа маросимлар азага айлантирилди. Шубҳасиз, буларни кимлар амалга ошираётгани барчани қизиқтиради. Улар йигирманчи йиллар большевикларию қирқинчи йиллар фашистлари ҳам, олтмишинчи йиллар босқинчиларию янги аср қароқчилари ҳам эмас. Улар ўзларини эркинликнинг даҳоси, ҳақиқатнинг кўзи, жаҳоннинг устуни деб ҳисоблайдиган «демократ»лардир. Улар ўзларидан бошқа ҳеч кимни ва ҳеч нарсани тан олмайди.

Кўп йиллик кузатишлардан сўнг мен бир хулосага келдим: агар «асл демократия» ғояси даҳолари ва бу ғоя билан заҳарланганларнинг хатти-ҳаракатларини кузатсангиз, уларда мантиқсизлик ва ахлоқсизликдан ташқари сиёсий онг ҳам заифлигига ишонч ҳосил қиласиз. Чунки улар ўзларининг чексиз эркинликларини сурбетлик билан намоён этиш орқали бошқаларнинг эркинликларига қасд қилаётганини ҳатто англаб ҳам етишмаяпти. Сиёсатда эса ўзгани кўзга илмаслик сиёсий онгсизлик ҳисобланади.

Биз бир нарсани унутмайлик: энг олижаноб инсоний қадриятлар Шарқда шаклланиб, сайқал топган. Нафақат одамийлик, балки баркамол инсонга хос эркинлик ҳам шу ерда илдиз отган. Бу илдиз шундай мустаҳкамки, уни яқин йилларда сунъий равишда ўйлаб топилган, зўравонлик ва ахлоқсизликка асосланган, турли ғаразли мақсадлар билан мунофиқона ниқобланган сохта эркинлик таъсирида суғориб олиб ташлаб бўлмайди. Бу ҳақиқатни унутганлар панд ейиши аниқ.

Тўғри, халқимиз демократик жамият қуриш йўлини танлади. Бироқ бу бировнинг турмуш тарзини айнан ўзлаштириш, дегани эмас. Демократик тамойиллар бир хил стандартлар билан қотиб қолган эмас, унинг қамрови кенг ва имкониятлари катта. Биз бу имкониятлардан фойдаланишда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маънавий ва миллий қадриятлар билан сайқалланган шарқона эркинлик ва одоб қоидаларига таянамиз. Бундай эркинлик мажбурлашга эмас, ихтиёрийликка асосланган. Уни халқимиз табиий равишда қабул қилади.

Бироқ орамизда хорижнинг демократия моделига сиғинадиганлар ҳам йўқ эмас. Улар баъзан ўзлари сув ичаётган қудуққа тупурадиган кўрнамакка ўхшаб кетади. Улар ташқи сиёсатга тош отмаган, айрим арбобларга лой чапламаган, миллат шаъни ва миллий қадриятларга мағзава ағдармаган, ғарбнинг турмуш тарзини ва демократия моделини улуғламаган, миллий урф-одат ва анъаналар устидан қолоқлик дея кулмаган одамларни нодемократлар ёки демократия душманлари, деб аташади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсати ва турли ғаразли кучларнинг демократия ниқобидаги хатти-ҳаракатларига муносабати ҳам кимларгадир ёқмаяпти. Улар халқимизни ўзи танлаган йўлдан адаштириш мақсадида турли найрангларни ўйлаб топишаяпти. Бунда ичимиздан чиққан сотқин ва аламзада кимсалардан фойдаланишаяпти. Уларга халқимиз манфаатларига зид бўлган буюртмаларни беришади-да, сўнгра уларнинг бажарилишига қараб ҳақ тўлашади.

Бундай кимсаларга айтадиган сўзимиз шуки, бизга бировларнинг орқасидан кўр-кўрона эргашадиган, тагида ғараз яширинган ва ниқобланган мунофиқона эркинлик эмас, балки халқимизнинг менталитети ва ўзига хос хусусиятлари мужассамлашган онгли эркинлик керак. Зеро, демократия ниқоб ҳам, найранг ҳам эмас, балки онгли эркин фаолият демакдир.

Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи

Xalqaro huquq

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Халқаро ҳуқуқ меъёрларида белгиланган инсон ҳуқуқ-эркинларини тўла-тўкис таъминлаш давлат ва жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт даражасига боғлиқдир. Бунда инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш тартиби мамлакатнинг ўзига хос ҳуқуқий хусусиятлари ҳамда анъаналарини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорлиги давлатлараро умумий ҳамкорликнинг бир қисми сифатида сиёсий хусусият касб этиши мумкин эмас ва у мафкурадан холи бўлмоғи лозим.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорлик концепциясини ривожлантиришда 1993 йил 25 июнда Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференциясининг Вена Декларацияси ва ҳаракат дастури алоҳида аҳамиятга эга. Декларацияда инсон ҳуқуқлари масаласини кўришда универсаллик ва объективликни таъминлашнинг муҳимлиги тасдиқланган. Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорлик концепциясининг шакллантирилиши ушбу соҳада халқаро ҳамжамиятнинг яқдил бўлиб ҳаракат қилишига ёрдам беради.

Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорликни амалга оширар экан, халқаро ҳамжамиятда ўзининг объективлиги ва ҳар қандай ҳолатга тўғри, холисона баҳо беришини намоён этиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлаш борасида ўз обрў-эътиборини сақлаб, мавқеини мустаҳкамлаб бораётир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига, аввало, Инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро Билл киради. Халқаро Биллга 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт ва унга 1966 ва 1992-йиллардаги Факультатив протоколлар киради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро ҳужжатлар эса, 1960 йилдаги Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларация; 1948 йилдаги Геноцид жиноятини олдини олиш ва уни содир этганларни жазолаш тўғрисидаги Конвенция; 1973 йилдаги Апартеид жиноятларининг олдини олиш ва уни содир этганлик учун жазолаш Халқаро конвенцияси; 1952 йилдаги Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция; 1959 йилдаги Болалар ҳуқуқи Декларацияси; 1989 йилдаги Болалар ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция ва бошқалар ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрида қабул қилинган.

Бу тарихий ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши ва эълон қилиниши инсониятнинг тарихий тақдирида, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида, халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар ва ижтимоий ташкилотларнинг фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ундаги қоида ва хулосалар, тамойиллар моҳиятига кўра мукаммал ишланган ҳуқуқий меъёрларнинг умумлашган талқини ҳисобланади. Бошқа бирорта халқаро ҳужжат ушбу декларациячалик юксак баҳога сазовор бўлмаган. Зотан, унда инсон ҳуқуқларининг замонавий концепцияси мухтасар ва тушунарли баён этилган.

Г.ҚУДРАТОВА, талаба

Huquqiy himoya

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

у инсон манфаатларига хизмат қилади

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб инсон қадр-қимматини, шаънини ҳимоя қилиш, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» талабларини ҳаётга татбиқ этиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Мамлакатимиз Конституцияси барчанинг, жумладан, фуқаролиги бўлмаган чет эл фуқароларининг ҳам ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолатидир.

Эркин касб танлаш, меҳнат қилиш, ишсизликдан муҳофазаланиш ва бажарган иши учун қонунда белгиланган тартибда ва муддатда иш ҳақи олиш инсоннинг конституциявий ҳуқуқларидан биридир. Асосий Қомусимизнинг IX бобида таъкидланганидек, ҳар бир фуқаро адолатли меҳнат шароитида ишлаш, қонунда белгиланган миқдорда энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи олиши лозим. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги **«Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирлик, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги ва 2002 йил 19 мартдаги **«Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарорлари меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасида дадил қадамлар бўлди. Қарорларда иш ҳақи бўйича қарзларни тўлашга йўналтирилган маблағлардан мақсадли фойдаланилмасликка йўл қўйётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари қонунда назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилиши устидан назоратни кучайтириш белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада такомиллаштириш йўлида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори асосида Адлия вазирлигида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда ҳудудий бошқармаларда бўлимлар ташкил этилди. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан мазкур қарор талабларини бажариш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Бошқарманинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига 2006 йилнинг 5 ой мобайнида 140 та ариза ва шикоят тушган. Уларнинг аксарияти меҳнат ва ижтимоий масалаларга оид. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси фуқароларга ойлик маошларини ўз вақтида олишда амалий ёрдам бериш мақсадида пойтахтда фаолият юритаётган корхона ҳамда ташкилотларда ушбу ҳолатни ўрганишни ўзининг йиллик иш режасига киритганди. Аниқланган далиллар юзасидан турли корхона ва ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритилди. Жумладан, 2005 йил 31 мартда Тошкент шаҳар «Фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти» очиқ акциядорлик жамиятига ишчиларга ойлик маошларини дарҳол тўлаш ҳақида юборилган тақдимномага кўра 4.872.000 сўм, «Тола» ҳиссадорлик жамиятининг 21 нафар ходимига тақдимнома орқали 3.000.000 сўм миқдоридаги ойлик маошлар ундириб берилди.

Юқоридаги каби ҳолат «Ўзбек қоғози» очиқ акциядорлик жамиятида ҳам кузатилди. Бу корхонанинг ишчи-ходимларига 4 ойлик маошни дарҳол тўлаш ҳақида 2005 йил 3 августда киритилган тақдимномаларга кўра, 18.029.000 сўм ва «Агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг ишчиларига 19.200.000 сўм ойлик маошлари ҳам 15 кун муддатда ундириб берилган. Жами 67.333.506 сўмлик ойлик маошлари фақат тақдимнома киритилганидан сўнг тўланди.

Айрим корхона ва ташкилотлар ўз ишчи-ходимларига бир неча ойлаб иш ҳақини тўламаётгани ҳам аниқланди. Жумладан, Миробод туман электр тармоғининг 15.649.309 сўм ойлик маошини тумани газ бошқармасидан ундириб беришни сўраб фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига даъво ариза киритилди ва суднинг ҳал қилув қарори билан бу муаммо ҳал этилди. «Малика» ОАЖнинг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судига даъво ариза берилди ва суднинг 2005 йил 22 июлдаги ҳал қилув қарори билан 8.589.950 сўм ойлик маош тўлиқ ундирилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

(Давоми тўртинчи бетда)

Huquqiy himoya

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

у инсон манфаатларига хизмат қилади

(Давоми. Боши учинчи бетда.)

Бу борада 2006 йилда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2006 йилнинг биринчи яримига мўлжалланган иш режасига кўра, Тошкент шаҳри туманларида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда ойлик маошларни ўз вақтида тўлаш қандай кетаётгани ўрганилмоқда. Шу кунга қадар бу борада аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан еттита мажбурий тақдимнома киритилди. Эришилган натижаларга кўра, 2006 йил 3 январда «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг ишчиларига ойлик маошларни дарҳол тўлаш ҳақида киритилган тақдимнома орқали асосан 15 кунлик муддатда 194.800.000 сўм ойлик маош ундириб берилди. «Тошкент тўқимачилик комбинати» ОАЖнинг 18.574.800 сўмлик, «Ўзбекилмий-тадқиқот ва лойиҳа қидирув» институтининг 135 нафар ходимига 11.546.600 сўмлик, «СУ-21 қурилиш трести» 159-бошқармасининг 11.306.644 сўм ойлик маошлари ундириб берилди.

Афсуски, айрим корхона ва ташкилотларда ишчи-ходимларига 6-7 ойлаб ва ҳатто 1 йиллаб ойлик маошлари тўланмаган ҳолатлар учраб турибди. Масалан, «4-Қурилиш трести» ишчиси З.Султанбековга 1 йилдан буён 1.226.375 сўм, Е.Чутовга 841.389 сўм ойлик маоши тўланмай келинган. Жорий йилнинг 5 ойи давомида «Антикор» ОАЖнинг 133 нафар ишчиси манфаатини ҳимоя қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига «Антикор» ОАЖдан 37.434.332 сўм ойлик маошларни ундириш ҳақида даъво ариза киритилди ва суднинг ҳал қилув қарорига кўра ойлик маош тўлиқ ундирилди.

Бу каби камчиликларнинг такрорланиши олдини олиш мақсадида қонунбузилишларга йўл қўяётган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш чоралари ҳам кўрилмоқда. Зотан, Меҳнат кодексининг 154-моддасида «Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт», деб белгилаб қўйилган. Кодекснинг ушбу моддаси ва юқорида таъкидлаб ўтилган ҳукумат қарорларини қўпол равишда бузгани учун 15 нафар мансабдор шахсга интизомий жавобгарлик чораси қўлланилди ҳамда турли корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан прокуратура идораларига 3 та маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирлик, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан бу мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик иши қўзғатилган.

Меҳнат интизомини кучайтириш, меҳнат қилиш ва меҳнатга муносиб ҳақ олиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга эътиборнинг кучайтирилиши нафақат инсоннинг ижтимоий ҳуқуқини таъминлаш, балки фуқаролар соғлом турмуш тарзини кафолатлашга, уларнинг сидқидилдан ишлаб, мамлакатимиз ривожига баракали ҳисса қўшишига эришишнинг асосий омилидир. Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад ҳам инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга йўналтирилгандир.

Козим КОМИЛОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи

Mitti maslahat

Исмга бўлган ҳуқуқ субъектив фуқаролик ҳуқуқидир. Исми туфайли фуқаро бошқалардан ажралиб туради, индивидуаллашади. Ном олиш, яъни насаб, исм ва ота исмини олиш, номни ўзгартириш махсус қонунлар билан, жумладан, Оила кодекси ва Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилишга доир қоидалар билан тартибга солинади.

ИСМ ҲИМОЯЛАНАДИ

Фуқаролик кодексининг 19-моддасида фуқаронинг исми билан боғлиқ меъёрлар белгилаб қўйилган. Уларга кўра, агар қонундан ёки миллий одатдан бошқача тартиб бўлмаса, фуқаро ўз фамилияси, исм, шунингдек, отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда фуқаро тахаллусдан ҳам фойдаланиши мумкин.

Фуқаро қонунда белгиланган тартибда ўз исмини ўзгартиришга ҳақли. Ўз исмини ўзгартириш аввалги исми билан олган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди. Фуқаро ўз исмини ўзгартиргани ҳақида қарздорлари ва кредиторларига хабар бериши зарур. Исмни ўзгартирган фуқаро ўзининг аввалги исмига расмийлаштирилган ҳужжатларга ўз ҳисобидан тегишли ўзгартиришлар киритилишини талаб қилишга ҳақли. Масалан, шахс никоҳга кириши муносабати билан эри (хотини) фамилиясини олиши унинг аввалги ҳужжатлари (дипломи, омонат дафтарчаси, хизмат гувоҳномаси кабилар)ни ҳам тегишли тарзда ўзгартириб беришни идоралардан талаб қилиш мумкин. Бироқ бу ўзгартиришларни амалга ошириш харажатлари манфаатдор шахс зиммасида бўлади.

Айрим ҳолларда (масалан, терговда, судда айбланувчи, судланувчи сифатида қатнашаётган, банкротлик бўйича иш қўзғатилган якка тадбиркор ёки тадбиркорлик субъектининг муассиси бўлган жисмоний шахс) ўз исмини ўзгартириш ҳақидаги мурожаатлар вақтинчалик рад этилиши мумкин.

Фуқаро туғилган вақтда олган исмини, шунингдек, ўзгартирилган исмини фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши керак. Бошқа бир шахс исмидан фойдаланиб ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишга йўл қўйилмайди.

Ўз исми билан яшаш ҳуқуқига эътироз билдирилаётгани ёки исмидан қонунсиз фойдаланилаётгани муносабати билан манфаатлари бузилаётган шахс манфаатларини бузувчидан бундай ҳаракатларга чек қўйишни талаб қилиши мумкин. Агар манфаат қасддан бузилаётган бўлса, жабрланган шахс қўшимча тарзда маънавий зарарни қоплашни талаб этиши ҳам мумкин. Манфаат қасддан бузилганида жабрланувчи маънавий зарарнинг қопланишини ҳам талаб қилишга ҳақли. Масалан, бир шахс ўзини машҳур санъаткор номи билан кўрсатиб, чекка қишлоқларда концерт берди, дейлик. Бундан хабар топган санъаткор унинг номидан фойдаланган шахсга нисбатан Фуқаролик кодексининг 20-моддасида белгиланган тартибда даъво қилишга ҳақли.

Отабек МУҲАММАДИЕВ

Dunyoning ishlari

Тарихдан маълум: одам боласи азал-азалдан табиатнинг сирли ҳодисаларидан ҳайратга тушиб келган. Масалан, инсоннинг ёмғир, чақмоқ ёки момақалдироқ қандай пайдо бўлишини англаши учун ҳам асрлар керак бўлган. Бугун оддий мактаб ўқувчиси ҳам изоҳлаб бериши мумкин бўлган бу ҳодисалар ўз вақтида жуда сирли туюлган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз бу ҳодисаларни илоҳий кучларга боғлаб талқин қилган. Табиатнинг турли одатлари, дейлик, дўл ёки жаланинг олдини олиш учун турли-туман маросимлар ўтказишган.

АФСУНГАРЛИК СИР-СИНОАТЛАРИ

Иккинчи мақола

Лекин бугун инсониятнинг оёғи ойга етган бир даврда ҳам Африка ва Австралия қитъаларининг чекка ўлкаларида шундай қабилалар борки, уларни ҳамон коҳинлар ва турли тоифадаги афсунгарлар бошқаришади. Содда одамлар эса афсунгарларнинг керак пайтда ёмғир ёғдириши, ўлган одамни тирилтириши, ҳатто тунни кунга айлантира олишига ишонишади. Агар коҳин кимгадир «Сен эртага ўласан!» деса, сўзсиз ўша одам айтилган вақтда дунёдан кўз юмади.

Хўш, буни қандай изоҳлаш мумкин? Ҳаётда ҳақиқатан ҳам афсунгарлар борми? Психология фанлари доктори В.Лебедев ўқувчиларнинг шу каби саволларига жавоб берар экан, жоду-афсун аслида йўқ нарса, сеҳр-жоду туфайли одамнинг касал бўлиши ёки ўлиши масаласига келсак, бу ўша кишининг афсунгар олдида қалбидаги қўрқув ҳиссини руҳан енга олмаганлигидадир, деб изоҳлайди.

Қуйида В.И.Лебедевнинг афсунгарлар ҳақидаги айрим мулоҳазаларини газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

Қўрқув ҳисси — умр заволи.

Бу гал, ўқувчиларнинг тушуниши осон бўлиши учун, гапни ҳаётий бир воқеадан бошлаймиз. XIX аср бошларида рўй берган бир ҳодиса одамлар ва олимлар ўртасида катта шовшувга сабаб бўлди. Бир қарашда ушбу воқеа жуда кулгули ва айни пайтда ўта фожиали ҳамдир.

Париж лицейларидан бирининг назоратчиси талабаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиб, баъзида қаттиққўлликни ҳаддан ошириб юборарди. Унинг айрим ғайриинсоний хатти-ҳаракатлари тингловчилар қалбида кучли нафрат уйғотади. Охир-оқибат назоратчининг шафқатсизликларидан безор бўлган ўқувчилар ўзаро тил бириктириб, уни қўрқитиб қўймоқчи ва шу йўл билан ўч олмоқчи бўлишади.

Бир куни ўн-ўн беш чоғлик талаба пайт пойлаб, назоратчини кўчада тутиб олишади ва кўзларини боғлаб қоронғу ертўлага олиб тушишади.

Кўзлари қоронғуликка кўникмаган назоратчи атрофга олазарак назар ташлайди. Ҳамманинг юзида ниқоб, бунинг устига ертўла қоронғу бўлгани сабабли унинг кўзига қора шарпаларгина кўринади, холос. Бироздан сўнг бурчақдан:

— Машъалалар ёқилсин! — деган овоз эшитилади. Бир пайтнинг ўзида девордаги ўнлаб машъалалар ёқилади. Атроф ёришгач, суд залига ўхшаш манзара намоён бўлади. Ертўланинг адоғида баландроқ супа бўлиб, баланд курсиларда судья, унинг ёнида ёрдамчилари ўтирарди. Сал берида махсус қора либос кийган прокурор у ёқдан-бу ёққа бетоқат юриб турар эди.

Назоратчининг вужудига титроқ киради, оёқлари қалтирай бошлайди. У қора курсига ўтқазилган бўлиб, икки елкасидан икки нафар барзанги йигит босиб турарди.

Хуллас, суд жараёни бошланиб, «прокурор» маъруза қилади. У барча талабалар номидан назоратчининг айбини очиб ташлайди. Содир этган жиноятларини бирма-бир санаб ўтади. «Прокурор» маърузасининг сўнгида «ҳакам»га юзланиб, айбдорга ўлим жазосини қўллашни сўрайди ва баланд овозда «боши танасидан жудо қилинсин!» — деб қичқиради.

Ўртада каттакон кунда, кунданинг ёнида ярақлаган ойболтасини белига тираганча, қора ниқобли «жаллод» «ҳакам»ларнинг ҳукмини кутиб турарди.

Суд жараёнида қатнашаётган «адвокат» номига айбдорнинг баъзи яхши сифатларини келтириб, бола-чақаси борлигини, шу боис жазони енгиллатишларини сўрайди.

Адойи тамом бўлган назоратчи талабаларга бундан буён зуғум қилмайман, деб ялиниб-ёлворади. Аммо «ҳакам»лар унинг тазарруларини инобатга олишмайди.

Узоқ «тортишув»лардан кейин ҳукм ўқилади:

«Боши танасидан жудо қилинсин!»

Назоратчини кунда ёнига олиб боришади. Бошини кундага қўйишади. Аввалига типирчилаётган назоратчи, бирданига жимиб қолади. Унинг нафас олаётгани зўр-базўр билиниб турарди, холос.

Бонг урилади. «Жаллод» ойболтасини баланд кўтаради. «Бошла!» — деган овоз эшитилади. Шу заҳоти иккинчи бир «талаба-жаллод» аввалдан тайёрлаб қўйилган, қаттиқ боғланган сочиқ билан назоратчининг бўйнига, «жаллод» эса ойболтасини ёғочга уради.

Аввалига атрофга қабристон сукунати чўкади, сўнг ҳамма хохолаб кулиб юборади. Яйраб кулиб олган талабалар, ҳамон бошини кундага қўйганча қимир этмай ётган назоратчининг елкасига шаппатилашиб, «тур энди, майли, айбингни кечирдик», дейишади. Ундан эса садо чиқмайди.

Буни қарангки, назоратчининг жони аллақачон узилган экан...

Шу ўринда А.Кристининг ҳикояси қаҳрамони Жеральд қисматини ёдга олайлик. Унда мени хотиним заҳарлаган, деган ишонч қандай пайдо бўлди? Бизнингча, бошқаларга зуғум қилган, зиён-заҳмат етказган одам, бир кун келиб, албатта, менга ҳам кимдир зуғум қилди, деган қўрқув билан яшайди.

Назоратчининг ўлимига ҳам унинг талабаларга нисбатан шафқатсизларча муносабати сабаб бўлган. Инсон табиатидаги ёвузлик туйғуси ҳамиша қўрқув ҳисси билан ёнма-ён яшайди. Акс ҳолда, Жеральд ҳам, назоратчи ҳам ҳаётдан кўз юммаган бўларди...

Тарихдан маълумки, қадимда сеҳр-жоду йўли билан ўз ёвуз ниятларини амалга оширган афсунгарлар, шомонлар қабилада ўз мавқеларини мустаҳкам сақлаб туриш, қабиладошлари орасида ҳурмат қозониш учун инсон табиатининг ана шундай нозик томонларидан усталик билан фойдаланишган.

Замонамизнинг кўзга кўринган этнограф олимлари ва шифокорлар денгиз ва океанларда ҳалокатга учраган кемалар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганда, қизиқарли бир ҳодисанинг гувоҳи бўлишган. Бундай ҳолатларда инсон кўпинча қўрқув туфайли ҳалок бўлар экан. «Титаник» фожеаси ҳақидаги китобларни ўқиганмиз ва у ҳақдаги фильмларни кўрганмиз.

1912 йилда ўша даврдаги энг маҳобатли кема — «Титаник» уч минг нафар йўловчиси билан ўзининг биринчи ва сўнгги сафарига отланганини биламиз. Маълумки, кема айсберг билан тўқнашиб сувга ғарқ бўлган. Лайнер ҳалокатга учраган вақтдан роппа-роса уч соат фарқи билан бошқа кемалар ёрдамга етиб келган. Қутқарувчиларни ҳайратга солган нарса шуки, бус-бутун қутқарув қайиқларида тириклардан кўра ўлганлар, ақлдан озганлар сони кўпроқ экан...

Статистик маълумотларга қараганда, ер шарида ҳар йили икки юз минг нафар одам кема ҳалокатига учрайди. Шундан тахминан эллик минг нафари кема билан бирга чўкиб кетади.

Физиология фанидан маълумки, инсон сувсиз 10, овқатсиз 30 кун яшаши, ҳаёт учун кураша олиши мумкин. Аммо кема ҳалокатга учрагач, резина қайиқларда қолган кишиларнинг 90 фоизи уч кун ўтмай ҳаётдан кўз юмиши чиндан-да ажабланарлидир.

Француз шифокори А.Бомбарнинг бу хусусдаги мулоҳазалари биз сўз юритаётган соҳага қизиқувчи ҳар қандай кишининг эътиборини тортиши шубҳасиз. Бомбарнинг фикрича, кема ҳалокатга учраб, чўкаётган пайтда инсон онгида шундай бир тасаввур ҳосил бўладики, гўё улкан лайнерга қўшилиб бутун дунё, борлиқ, ўзининг ҳаётда ва денгизда кўрсатган барча қаҳрамонликлари-ю, онг ва тафаккури ҳам денгиз қаърига чўкаётгандек туюлади. Мабодо бахтли тасодиф туфайли қутқарув қайиғига чиқиб олган бўлса-да, бу ҳали у ўлимдан қутулди, дегани эмас. Нима учун дейсизми? Чунки кучли руҳий изтироб уни аввалроқ ўлдириб бўлган эди. Бундай одам учун жисмоний ўлим иккинчи даражага тушиб қолади.

Тасаввур қилинг: теварак-атроф улкан сувликдан иборат, тўлқинларда қалқиб турган «писта пўчоғи»дай қайиқнинг тагидаги жарлик тубсиз. У ҳар лаҳзада ана шу тубсизлик комига ғарқ бўлиши мумкин. Кимдир келиб қутқариши эса номаълум. Ана шу номаълумлик ва қўрқув ҳисси ҳар қандай иродали инсонни ҳам уч кун ичида ҳаёт билан видолашишига мажбур қилади, деб хулоса чиқаради Бомбар.

«Ҳалокатга учраган кемалар қурбонлари, — деб ёзади А.Бомбар, — ортингиздан ажал қувлаб келган бегуноҳ бандалар, мен яхши биламан: сизни денгиз ўлдирмаган, очлик ўлдирмаган, ҳатто ташналик ҳам сизни енга олмасди. Очкўз чайқаларнинг тинимсиз чинқириқлари остида, тубсиз уммон тўлқинлари устида таҳликали чайқалар экансиз — қўрқув ҳиссидан ҳалок бўлгансизлар!».

Хорижий матбуот материаллари асосида Мансур ТЕНГЛАШЕВ тайёрлади

«АСАКА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мамлакатимиздаги барча журналистларни, матбаа ва нашриёт ходимларини самимий муборакбод этади. Сиз, азизларни касб байрамингиз билан қутлар эканмиз, машаққатли, айни дамда шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

Jinoyat va jazo

ЎРГИМЧАК ТЎРИ

Суд очерки

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Ана шу пинҳона учрашувдан сўнг Олимхон ака-укаларнинг каттаси Салимни шерик бўлишга кўндирди. Олимхоннинг топшириғига биноан Салим Ўзбекистон-Тожикистон давлат чегараларини бузиб ўтиб, Регар шаҳрида яшовчи Аҳмад ҳожига бориб учрашди.

— Боракалло, ўғлим. Келганингиз кўп яхши бўлди-да. Мана бу қопни Олимхон эшонга элтиб берасиз. Бу сизнинг хизмат ҳақингиз, — шундай дея ҳожи Салимнинг қўлига 200 АҚШ доллари тутқазди. Бундан кейин ҳам топшириқларимизни бажариб турсангиз, кам бўлмайсиз...

Салим ўзининг «Жигули» автомашинасида божхона назоратини четлаб ўтиб, эгри йўллар билан ортга қайтди.

Бу галги гиёҳванд моддага аллақачон харидор топилган эди. Салим Аҳмад ҳожининг топшириғига кўра, олдиндан келишилганидек, юкни эшаги билан Тўпаланг дарёсининг нариги қирғоғига ўтказиб берди. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас қўшни тумандаги Дахана қишлоғида яшовчи Нурилло ва Фарҳод уни олиб кетишди.

Кейинги гал Салим қариндоши Ҳайитни Регарга бориб келишга кўндирди. У Аҳмад ҳожи берган 2 қопдаги 40 килограмм «героин» гиёҳвандлик моддасини отига юклаб, тоғ-тошлар орқали Салимга етказиб келди. У эса ўз навбатида юкни Олимхон эшонга олиб бориб берди. Ҳожи бу хизмати учун уни 600 АҚШ доллари билан сийлади.

Осон пул топишга мазахўрак бўлган Салим бутунлай ҳаловатини йўқотди. У орадан кўп ўтмай яна Аҳмад ҳожининг ҳузурида ҳозиру нозир бўлди.

Аҳмад ҳожи уни Алишер исмли киши билан таништириб қўйди.

Алишер унга беш килограмм гиёҳвандлик моддасини Самарқандга етказиб бериш лозимлигини айтди. Салим рози бўлди.

Салим қишлоғига қайтиб келгач, жиноий режага асосан, Ҳайитни Аҳмад ҳожининг олдига юборди. Ҳайит олиб келган гиёҳванд моддани «Жигули» автомашинасининг эшиги қопламаси ичига жойлаб, Самарқанд шаҳрига йўл олди. Бу ерда уни Алишер кутиб олди ва қўлига хизмат ҳақи сифатида 500 АҚШ доллари берди.

Шундан сўнг Салим келишув бўйича бир неча ойдан сўнг яна Алишерни излаб борди.

— Келинг, қадрдон, — дея Алишер уни очиқ чеҳра билан кутиб олди. — Етти килограмм «юк»ни яна худди ўша жойга етказиш керак. Ҳақи ҳам шунга яраша — етти юз доллар.

Бу сафар ҳам айнан ўтган галги ҳолат такрорланди. Салим хизматни дўндириб, етти юз долларни қўлга киритди.

Шу тариқа бир ойнинг ўзида бундай «операция» икки маротаба амалга оширилди. 80 килограмм «героин» гиёҳвандлик моддаси «мижозларга» етказиб берилди.

Ҳамтовоқларнинг жиноий фаолияти янада авж ола бошлади.

Улар кейинги марта 40 килограмм «героин»ни Россиянинг Уфа шаҳрига олиб боришди.

Уфа шаҳрида Усмон билан Раҳимни кутиб олган Аҳмад ҳожининг «Муҳаммад» исмли гумаштаси хизмат ҳақи сифатида йигирма беш минг АҚШ долларини қуртдай саналб берди.

V. ТУЗОҚ

Орадан озроқ вақт ўтгач, Салим яна Аҳмад ҳожининг олдига борди. Аҳмад ҳожи эса уни Алишерга рўбарў қилди.

— Ҳар биттаси бир килограммдан бўлган ўттиз бир ўрам «героин»ни Самарқанд шаҳрига етказиш керак, — деди Алишер. — Хизмат ҳақига 3100 доллар оласан.

Салим уйига қайтиб, одатдагидек Ҳайитни яна Регарга жўнатди. У сўқмоқ йўллар орқали «юк»ни Сурхондарёга олиб ўтди. Шундан сўнг Салим укаси Мурод билан гиёҳвандлик моддасини «Жигули»нинг эшиги қопламаси ичи ва орқа ўриндиқ тагига жойлашди-да Самарқандга отланишди.

Қашқадарё вилояти ҳудудидаги «Чак-чак» йўл-патрул хизмати масканига етган жойда машина «қилиқ» чиқарди. Ўз-ўзидан ўчиб қолаётган машинани ака-укалар ҳар қанча уринишмасин юргиза олишмади. Бу ҳол уларни узоқдан кузатиб турган ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотди. Улардан бири келиб машинани кўздан кечирди ва ўриндиқ ёнидан бешта сариқ елим халтача топиб олди. Шундан сўнг автомашина ёнига хизмат итини олиб келишди. «Гирест» лақабли исковуч ит негадир безовталана бошлади. Машина синчковлик билан текшириб кўрилганда эшик ва ўриндиқ тагига яширилган ўттиз бир ўрам оқ рангли кукунсимон модда топилди. Улар махсус тарозида ўлчанганда 36 килограмм 970 грамм тош босди. Суд-кимё экспертизаси натижасида ушбу модда «героин» гиёҳвандлик воситаси экани аниқланди.

Ака-укаларнинг ҳибсга олинганидан хабари йўқ Аҳмад ҳожи бу пайтда Усмон билан биргаликда наҳбатдаги жиноий режани ишлаб чиқди. Улар катта миқдордаги «героин»ни мамлакатимиз ҳудудига ўтказишга келишиб олишди.

Ана шу режага асосан Ҳайит ўзига тегишли отда жиноий шериги Йўлдош билан бирга дашт ва тоғ йўллари билан Аҳмад ҳожининг уйига боришди. Мезбон уларни қуюқ меҳмон қилди. Қайтаётганларида ўзининг отини ҳам уларга берди.

Икки «меҳмон» тайёрлаб қўйилган 4 қоп «героин»ни икки отга ортиб, тунда йўлга чиқишди ва икки қоп «юк»ни тонг отиши арафасида Олимхоннинг уйига етказиб келишди.

Қолган икки қопни эса даштдаги жарликка яшириб қўйишди.

— Ҳадемай тонг отади. Энди сабр қилиб, қолганини қоронғу тушгандан кейин олиб келасизлар, — дея тайинлади Олимхон Ҳайитга.

Ҳайит «юк» яширилган жойга қайтиб бораётганда унга Нурали чўпон йўлиққан эди.

... Тезкор гуруҳ Ҳайитнинг кўрсатмасига асосан аввал даштда қолдирилган қопларни топиб келди. Сўнгра Олимхоннинг уйидаги сомонхонага яшириб қўйилган икки қоп «героин» топилди.

Тўртала қопдаги гиёҳвандлик моддаси тортиб кўрилганда унинг миқдори роппа-роса 78 килограмм 847 грамм чиқди.

VI. ҲАР КИМКИ ЁМОН БЎЛСА...

Халқимизда «қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади», деган нақл бор. Нафс васвасасига учиб, ҳаром луқма илинжида жиноятга қўл урган кимсаларнинг ҳам кирдикорлари фош этилди. Уларга нисбатан суд ҳукми билан қонуний жазо тайинланди. Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир, деган гап айни ҳақиқат. Қолаверса, бири эшону бири ҳожи бўлган, лекин нафс қулига айланган кимсаларнинг қанчадан-қанча инсонларни даҳшатли оғу билан заҳарлаганини назарда тутсак, улар бўйнидаги тавқилаънат тамғасининг нақадар оғир эканини ҳис қилишнинг ўзи-да ғоят азобли. Зотан, нафс ва жаҳолат йўли ҳамиша ҳалокатга, азоб-уқубатга олиб борган. Буни унутганлар доим адашишади. Баён этилган воқеа ҳам бунинг исботидир.

Курбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
журналист

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-815. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
2 3 4 5 6